

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 2021 йил якунлари бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига амалга оширилган ишлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

**1. Кўп квартирали уй-жой фонди соҳасида.**

1. Кўп квартирали уй-жой фондини 2021-2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари бўйича (ПҚ-2922-сон қарорнинг 1-илоvasи).

2022 йил 1 январь ҳолатига 4 395 та кўп квартирали уйларда таъмирлаш ишлари якунига етказилди, ушбу мақсадлар учун **189,4 млрд.сўм** маблағлар сарфланди.

Хусусан, **684,8 кв.метр** том қисми жорий ва мукаммал, **3 712 та** уйларнинг кириш йўлаклари, **930 та** уйларнинг фасад қисми, **58 039 минг п/м** иссиқлик тик қувурлари, **1 946 та** ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари тўлиқ таъмирланди.

Шунингдек, **1 755 та** кодли қулфли темир эшиклар ҳамда **8 186 минг кв.метр** кириш йўлакларига фрамугалар ўрнатилган.

(ПҚ-2922-сон қарорнинг 2-илоvasи).

2022 йил 1 январь ҳолатига 73,6 млрд. сўм маблағ ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан **442 дона** болалар майдончалари қурилиб, **53 дона** таъмирланди; **8 651 п/м** ирригация тармоқлари таъмирланди; **342 106 кв.м** йўлаклар (тротуар) бетон қопламаси билан қопланди; **3 501 дона** ёритиш тизими таъмирланган.

**2. Орол бўйи минтақасини ривожлантириш дастури бўйича**

2022 йил 1 январь ҳолатига 27,7 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилиб, **26,4 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилиб ушбу маблағлар ҳисобидан кўп қаватли уйларнинг **106 239,5 м<sup>2</sup>** том қисми реконструкция қилинди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сон “Обод маҳалла” ва “Обод кишлоқ” давлат дастурлари ижросига асосан Кўп квартирали уй-жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари бўйича.

“Обод кишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари доирасида республика бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига 1 139 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан:

**602 та** уйларнинг **314,0 минг кв.м** том қисмлари мукаммал ва жорий таъмирланди, **1 140 та** кириш йўлаклари таъмирланди, **1 301 та** темир эшиклар ўрнатилди, **1 952 м<sup>2</sup>** фрамугаларга пластик ромлар ўрнатилди, **2 635 п/м** ички иссиқлик тик қувурлари таъмирланди, **94 та** уйларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникация тизимлари таъмирланди, **679 та** уйларнинг фасад қисмлари таъмирдан чиқарилди.

Туташ ҳудудларни ободонлаштириш соҳасида:

**65 та** уйларнинг умумфойдаланувдаги хожатхоналари таъмирланди, **57 та** айвонли тандирхоналар қурилди, **385 п/м** ирригация тармоқлари таъмирланди, **79 800 кв.м** тротуарлар бетон қопламаси билан қопланди, **1 163 дона** ёритиш тизими ўрнатилди, **49 дона** болалар майдончаси барпо этилди.

**4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сонли қарорига асосан.**

2021 йилда жами **123,3 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва ушбу маблағлар ҳисобидан жами **535 та** лифтларни янгисига алмаштирилиб, **56 та** лифт ускуналарини таъмирлаш амалга оширилган.

**5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 27 мартдаги 02-РА1-5015-сон топшириғига асосан Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий фойдаланиладиган жойларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича.**

**2022 йил 1 январь ҳолатига** республика бўйича **12,7 млрд сўм** миқдорида маблағлар молиялаштирилиб мазкур маблағлар ҳисобидан **22 дона** болалар майдончаларини қуриш, **10 дона** “Street work out” қуриш, **1 960 п/м** ирригация тармоқларини таъмирлаш, **25 155 кв.м** тротуарларни таъмирлаш, **340 дона** ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш, **39 дона** ертўла қисмини таъмирлаш, **129 055 кв.м** фасад қисмини тартибга келтириш, **403 дона** кириш йўлакларини таъмирлаш ишлари амалга оширилишига эришилган.

## **II. Иссиқлик таъминоти соҳасида.**

### **1. Инвестиция дастурлари ижроси.**

**2022 йил 1 январь ҳолатига** **107,8 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилиб, **43,5 км** иссиқлик тармоқлари, **1 та** марказий, **1 та** маҳаллий қозонхона, **12 та** қозон, **22 та** замонавий насос ускунаси, **2 та** газ тақсимлаш пунктида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.

### **2. Орол бўйи минтақасини ривожлантириш дастури бўйича**

**2022 йил 1 январь ҳолатига** **33,5 млрд.сўм** молиялаштирилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан **9,3 км** иссиқлик тармоқлари, **11 та** маҳаллий қозонхона, **33 та** қозон, **42 та** замонавий насос ускунаси қурилиши ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5084-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 202-Ф-сон фармойиши бўйича**

**2022 йил 1 январь ҳолатига** **81,3 млрд.сўм** маблағ ўзлаштирилиб, **142,0 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан **36,4 км** иссиқлик тармоқлари реконструкция ишлари амалга оширилди ва **66 та** ИПП ўрнатилди.

### **III. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўйича.**

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва тизимдаги ташкилотларга 2021 йилнинг **якуни билан** жами бўлиб, **6 890 та** мурожаатларлар келиб тушган бўлиб, вазирлик “**Ijro-gov.uz**” сайти орқали рўйхатга олинган мурожаатларнинг умумий сони **1 800 тани** ташкил этади, шундан **356 таси ёзма, 929 таси электрон** ҳамда **515 таси** оғзаки шаклдаги мурожаатлар ҳисобланади. “**Ijro-gov.uz**” сайтидаги **1 800 тадан, 814 та** мурожаат ўз ижобий ечимини топган, **977 та** мурожаат юзасидан тушинтирилган, **9 та** мурожаат кўрмасдан қолдирилган.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали **5 090 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан, **2 499 та** мурожаат ижобий ечимини топган бўлиб, **2 061 та** мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушинтириш берилган, **275 та** мурожаат умумий тушинтирилиб бошқа ташкилотга юборилган, **9 та** мурожаат кўрмасдан қолдирилган, **25 та** мурожаат рад этилган ва **171 та** мурожаат юзасидан кўшимча ўрганиш талаб этилганлиги боис, кўшимча муддатли назоратга олинган ва жараёнда, шундан **50 та** мурожаат янги киритилган.

Худудлар кесимида таҳлил этилганда, мурожаатларнинг асосий қисми **Тошкент вилояти (1450 та), Самарқанд вилояти (1009 та), Сурхандарё вилояти (676 та), Навоий вилояти (785 та), Фарғона вилояти (524 та), Қашқадарё вилояти (513 та)** ва **Сирдарё вилояти (463 та)**га тўғри келади.

Тасдиқланган “**Сайёр қабул**” режа-жадвали асосида 2021 йилнинг якунида:

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ва вазир ўринбосарлари раҳбарлигида **17 та**, сайёр қабуллар ўтказилди.

Вазирлик раҳбарияти томонидан аҳоли муаммолари ўрганилмоқда ва жойларда ўз ечимини топмоқда.

Фаолият йўналиши бўйича келиб тушаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, мурожаатни ўрганиб ва таҳлил қилиб, жойларга чиққан ҳолда ҳал этиш юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда.

Бу борада вазирлик, вилоятлар матбуот (ахборот) хизмати ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар (Ўзбекистон-24, Маҳалла, вилоят телеканаллари), ва расмий ижтимоий тармоқлар, телеграмм каналлари томонидан амалга оширилмоқда.

Вазирликка келиб тушаётган ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб ўз ечимини топмоқда.